

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 326-ҳадис

326 - عَنِ الْقَاسِمِ بْنِ عَاصِمٍ، عَنْ رَهْدَمِ الْجَرْمِيِّ قَالَ: كُنَّا عِنْدَ أَيِّ مُوسَى، فَدَعَا بِمَا إِذِنَتِهِ وَعَلَيْهَا لَهُمْ دَجَاجٌ، فَدَخَلَ رَجُلٌ مِنْ بَنِي تَيْمٍ اللَّهُ، أَحْمَرُ شَبِيهُ بِالْمَوَالِيِّ، فَقَالَ لَهُ: هَلْمَ، فَيَكَأْ، فَقَالَ: هَلْمَ، فَإِنِّي قَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْكُلُ مِنْهُ، فَقَالَ الرَّجُلُ: إِنِّي رَأَيْتُهُ يَأْكُلُ شَيْئًا، فَقَدِرْتُهُ، فَحَلَفْتُ أَنْ لَا أَطْعَمُهُ، فَقَالَ: هَلْمَ أَحَدِثُكَ عَنْ ذَلِكَ، إِنِّي أَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي رَهْطٍ مِنَ الْأَشْعَرِيِّينَ نَسْتَحْمِلُهُ، فَقَالَ: «وَاللَّهِ، لَا أَحْمِلُكُمْ وَمَا عِنْدِي مَا أَحْمِلُكُمْ عَلَيْهِ»، فَلَبِثْنَا مَا شَاءَ اللَّهُ، فَأَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِنَهْبٍ إِبْلِ، فَدَعَا بِنَا، فَأَمَرَ لَنَا بِخَمْسٍ ذَوْدٍ عُرِّ الدُّرَى، قَالَ: قَلَمَّا انْطَلَقْنَا، قَالَ بَعْضُنَا لِيَعْضِ: أَعْقَلْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمِينَةً، لَا يُبَارِكُ لَنَا، فَرَجَعْنَا إِلَيْهِ، فَقُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّا أَتَيْنَاكَ نَسْتَحْمِلُكَ، وَإِنَّكَ حَلَفْتَ أَنْ لَا تَحْمِلَنَا، ثُمَّ حَمَلْنَا، أَفَتَسِيَّتَ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «إِنِّي وَاللَّهِ، إِنْ شَاءَ اللَّهُ، لَا أَحْلِفُ عَلَى يَمِينٍ، فَأَرَى غَيْرَهَا حَيْرًا مِنْهَا، إِلَّا أَتَيْتُ الَّذِي هُوَ حَيْرٌ وَتَحَلَّثُهَا، فَانْطَلَقُوا فَإِنَّمَا حَمَلْكُمُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ».

[خ 3133، م 3133، ت 1826، س 4346، د 3276، جه 2107]

Захдамдан ривоят қилинади:

«Абу Мусонинг ҳузурида эдик, дастурхон келтиришни сўради, унда товук гўшти бор эди. Шу пайт Бану Таймуллоҳ қавмидан худди (румлик) қулларга ўхшайдиган малла киши кириб келди. Унга: «Бери кел», деган эди, у тараддуланиб қолди. У яна: «Бери кел, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундан (товук) еганларини кўрганман», деди. Ҳалиги киши: «Мен унинг бир нарса еяётганини кўриб, ундан жирканиб қолганман ва уни емайман, деб қасам ичиб қўйганман», деди. Шунда у киши: «Бери кел, мен сенга бу ҳақда айтиб бераман. Мен бир неча ашъарийлар билан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, бизга улов беринг деб

сўраганман. У зот: «**Аллоҳга қасамки, сизларга улов бермайман, менда сизларга берадиган улов йўқ**», дедилар. (Биз у ерда) Аллоҳ ҳоҳлаганча туриб қолдик. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ўлжа туялар олиб келиб қолишиди. У зот бизни чақириб, оқ ўркачли бешта тую буюрдилар. Йўлга тушгач, бирбиримизга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни қасамларидан ғафлатда қолдирдик-ку! Бу бизга баракали бўлмайди», дедикда, у зотнинг ҳузурларига қайтиб келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, олдингизга улов сўраб келган эдик. Сиз бизга улов бермасликка онт ичган эдингиз. Кейин эса бизга улов бердингиз. Ё унутдингизми, эй Аллоҳнинг Расули?» дедик. У зот шундай дедилар: «**Аллоҳга қасамки, мен бирор қасам ичиб, кейин бошқасини ундан яхшироқ деб билсан, иншааллоҳ, ўша яхшироғини қилмай қўймайман, аммо уни** (қасамни каффорат билан) ҳалоллаб оламан. Бораверинглар, чунки уловни сизларга Аллоҳ азза ва жалла берди».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишган.

Манба: hadis.islom.uz

